

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**БАЙМУРАТОВА ГУЛИРАЙХОН ТУРСУНБАЕВНА**

**МОЛИЯВИЙ РИСКЛАРНИ СУҒУРТАЛАШНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

**Фалсафа доктори (Doctor of philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Iqt1162 рақам  
билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Ташмурадова Бувсара Эгамовна</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Жумаев Нодир Хосиятович</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор <b>Тошматов Шухрат Амонович</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [ilmiykengash@tfi.uz](mailto:ilmiykengash@tfi.uz)

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.З.Гешабаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н.Каландарова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

**И.Н.Қўзиёв**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда макроиқтисодий мувозанатни сақлаш, иқтисодиёт тармоқлари учун рақобатбардош муҳитни шакллантириш жараёнига табиий, техноген ва бошқа омиллар таъсирида вужудга келадиган рисклар, асосан молиявий рискларнинг таъсири ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Хусусан, дунё суғурта бозорида “2019 йилда жами суғурта мукофотлари ҳажми 6292,6 млрд., шу жумладан, ҳаёт суғуртасидан бошқа суғурта тармоғи бўйича 3376,3 млрд. долларни”<sup>1</sup> ташкил этган бўлса, “2020 йилда барчани ташвишга солган COVID-19 пандемиясидан суғурта саноатининг кўрган зарари 20 млрд. доллардан ошганлиги оқибатида жами қоплама тўловлари ҳажми 104 млрд. доллар даражасида бўлиши прогноз қилинаётганлиги”<sup>2</sup> риск омилларни баҳолаш ва уларни бошқариш услубларини такомиллаштириш заруратини юзага келтирди.

Жаҳон амалиётида молиявий рискларни суғурталашга дахлдор қатор илмий ишланмалар бажарилгани, уларда ривожланган мамлакатларда кузатилгани каби ривожланаётган мамлакатларда ҳам молиявий рискларни суғурталашни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилганлигини келтириб ўтиш мумкин. Бугунги кунда кафолатли суғурта хизматлари кўрсатилишини стандартлаштириш, молиявий рискларни идентификациялаш, мижозлар орасида суғуртага бўлган ишончни ошириш, суғурта бозорининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, молиявий рискларни суғурталашнинг янги турларини жорий этиш, ҳажмини кенгайтириш ва сифатини ошириш, бу жараёнда рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, суғурта соҳасида илмий-тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш, миллий ижобий имиджни шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек инвестицион жозибадорликни ошириш, шу жумладан, суғурта бозорларининг ўзаро интеграциясини жадаллаштириш механизмини яратиш зарурлиги тадқиқот ишининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистонда суғурта бозорини жадал ривожлантириш орқали 2022 йил якунига қадар, мос равишда 2018 йилга нисбатан, суғурта хизматларининг ялпи ички маҳсулот(ЯИМ)даги улушини 2,0; жами суғурта мукофотларининг ҳажмини 3,3; суғурта ташкилотларининг жами активлари ҳажмини 2,1; суғурта хизматлари турларининг сонини 1,7 бараварга оширишга эришиш”<sup>3</sup> белгиланганлиги суғурта бозорининг ролини кучайтириш ва суғурта воситаларини кенг қўллашни тақозо этмоқда. Шунга кўра, “молиявий риск” категориясининг мазмунини кенг қамровли таснифлаш ҳамда назарий-услубий ва амалий жиҳатларини тизимли тадқиқ этиш асносида унинг юзага келиш сабабларини ўрганиш, шунингдек оқибатларини бартараф этиш ёки минималлаштиришга қаратилган

<sup>1</sup>[https://www.swissre.com/dam/jcr:05ba8605-48d3-40b6-bb79-b891cbd11c36/sigma4\\_2020\\_en.pdf](https://www.swissre.com/dam/jcr:05ba8605-48d3-40b6-bb79-b891cbd11c36/sigma4_2020_en.pdf)

<sup>2</sup><https://www.unian.net/insurance/strahovshchiki-predstavili-otchet-o-globalnyh-riskah-2020-goda>

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сон Қарори. // <https://lex.uz>

фаолиятни тадқиқ этиш долзарб мавзуларидан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1060-сон “Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги хузуридаги суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган вазифалар амалга оширилишига мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Молиявий рискларни суғурталашни такомиллаштиришнинг назарий-амалий жиҳатлари қатор хорижий иқтисодчи олимлар, хусусан, Ф.Найт, Н.Луман, У.Бек, К.Кронседер, Т.Мусатова, С.Воробьев, И.Ванькович, В.Барабанова, А.Мягдеев, Л.Попова ва бошқалар томонидан ўрганилган<sup>4</sup>.

Мамлакатимизда молиявий рискларни суғурталашни такомиллаштиришнинг айрим масалалари иқтисодчи олимлар Х.Собиров, Т.Иминов, М.Мирсодиқов, Х.Шеннаев, Т.Баймуратов, И.Абдурахмонов, А.Нуруллаев, С.Шеров ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган<sup>5</sup>. Мазкур иқтисодчи

<sup>4</sup>Найт Фрэнк Хайнеман. Риск, неопределенность и прибыль. // <http://knigi.b111.org>; Luhmann N. Soziologie des Risikos. Berlin, New York: Walter de Gruyter, 1991.; Бек У. От индустриального общества к обществу риска. // THESIS. 1994. № 5.; Christian Kronseder. Managing Liquidity Risk. Credit Suisse First Boston, 20.08.2003.; Мусатова Т.Е. Методические подходы к оценке влияния финансовых рисков на деятельность дорожного предприятия. // Научное обозрение. Экономические науки.-2016. - № 2. - С. 152-167; Воробьев С.Н. Управление рисками в предпринимательстве: моногр. // С.Н. Воробьев, К.В.Балдин. - М.: Издательско-торговая корпорация “Дашков и К”, 2006.; Ванькович И.М. Совершенствование оценки влияния финансовых рисков на деятельность компаний (08.00.10 - Финансы, денежное обращение и кредит) Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н., М.: 2016.; Барабанова В.В. Международный опыт оценки платежеспособности страховых компаний (специальность 08.00.14 - Мировая экономика) Диссертация на соискание ученой степени к.э.н., -М.: 2019.; Мягдеев А.Р. Контроллинг финансовых рисков. // Экономика и менеджмент инновационных технологий. 2013. № 2.; Попова Л.К. Методические подходы и способы оценки финансовых рисков на предприятии. // Вопросы экономики и управления. - 2016. - №5. - С. 162-165.

<sup>5</sup>Собиров Х.Р. Суғурта: 100 савол ва жавоб. - Т.: “Меҳнат”, 1998. - 160 б.; Иминов, Т. Бизнес бошқаруви асослари: ўқув-услубий қўлланма. // Т.Иминов, М.Бўтабоев, А.Қодиров; Ред. Т.Ш.Шодиев. - Фарғона, 2017. - 440 б.; Мирсодиқов М., Садриддинов А. Страховой рынок Узбекистана: итоги и перспективы. // Бозор, пул ва кредит. - Т.: 2009. № 2 -57-62 б.; Шеннаев Х.М. Проблемы становления страхового рынка в Узбекистане: Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. М.:1996.; Баймуратов Т.М. Суғурта фаолиятида рисклар трансфери. Монография IQTISOD-MOLIYA, 2005. -196 б.; Абдурахмонов И.Х. Ўзбекистон Республикасида жавобгарликни суғурталашнинг амалиётини такомиллаштириш. 08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”, и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати, Тошкент – 2010, -20 б.; Нуруллаев А.С. Ўзбекистон Республикасида фермер ва деҳқон хўжалиқларини суғурталаш масалалари. и.ф.н.илмий даражасини олиш учун тақдим қилинган диссертация автореферати. Т.:БМА, 2007.-23.б.; Шеров С. Р. Суғурта институти ва уни инновацион ривожлантириш йўналишлари, 08.00.07 - “Молия, пул муомаласи ва кредит”, иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, Тошкент - 2019, -26 б. ва бошқалар.

олимларнинг илмий ишланмаларида молиявий рискларнинг моҳияти, уларнинг турлари, юзага келиш омиллари ва бошқариш, хусусан, уларни суғурталашни такомиллаштириш масалалари қисман тадқиқ этилган бўлиб, мамлакатимизда молиявий рискларни суғурталашни такомиллаштириш масаласи назарий-амалий жиҳатдан тизимли тарзда яхлитликда тадқиқ этилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассассаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институтининг № АМ-ФЗ-20190815108 - “Суғурта маҳсулотлари рискларини мустақил баҳолашда электрон дастурий маҳсулотни яратиш” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** молиявий рискларни суғурталашни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

“молиявий риск”ка категориясига мавжуд назариялар, илмий ёндашувлар асосида муаллиф таърифини шакллантириш;

молиявий рискларни баҳолаш ва уларни самарали бошқариш омилларини аниқлаштириш;

молиявий рискларни идентификациялаш методларидан яхлит тарзда фойдаланиш жараёнида ҳар бир методнинг фойдалилик коэффициенти ҳамда даражаси билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва ечимини ишлаб чиқиш;

умумий суғурта тармоғида молиявий рискларни суғурталашда суғурта ташкилотларининг ижобий имиджни шакллантириш ҳамда хорижий мамлакатлар суғурта бозори билан интеграциясини жадаллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида молиявий рисклар ва уларни суғурталаш билан шуғулланаётган суғурта ташкилотларининг фаолияти олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** молиявий рискларни суғурталашни такомиллаштириш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда гуруҳлаш, қиёслаш, таққослаш, иқтисодий, молиявий ва эконометрик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

молиявий рискнинг юзага келиш эҳтимолини ўзида мужассам этган баҳолаш алгоритминини қўллаш асосида иқтисодиёт субъектларининг молиявий рискларини суғурталашда даромадларнинг ўртача миқдори молиявий операцияларда мутлақ кўрсаткич сифатида намоён бўлиши асосланган;

суғурта ташкилотлари фаолиятида молиявий операцияларда ўртача қийматига нисбатан тебраниш даражасини тавсифлайдиган дисперсияни қўллаш механизми функционаллигида молиявий риск индивидуал

даражасининг ўртача квадрат (стандарт) четланиши ҳисоблаб чиқилиши асосида хатоликни прогнозлаш асосланган;

суғурта ташкилотлари фаолиятида молиявий рискларни суғурталашда ўртача даромад кўрсаткичлари ўзаро фарқланиши бўйича риск даражасини аниқлаш таклиф этилган;

молиявий риск турларини аниқлаш методларини яхлит тизимлаштирган ҳолда қўллаш орқали уларни бошқаришнинг кўп босқичли методи таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ҳар бир хўжалик субъектининг молиявий rischi бўйича суғурта мукофоти ставкасини индивидуал тарзда белгилаш, суғурта қопламасининг максимал миқдорини чеклаш ва суғурталанувчига унинг ҳажмини ошириш таклифи асосланган;

молиявий рискнинг суғурта баҳоси, мулкни қайта тиклаш баҳосидан ошмаган ҳолда тизимли ёндашув асосида, шартнома томонларининг келишувига кўра, аниқланиши қатъий белгилаб қўйилиши тавсия этилган;

молиявий рисклар катталигини аниқлаш ва баҳолашнинг электрон дастурини ишлаб чиқиш орқали иқтисодиёт субъектларининг молиявий рисклардан ҳимояланишга бўлган талабларига мос равишда суғурталашнинг функционал механизмини шакллантириш таклифи асосланган;

иқтисодиёт субъектининг таркибий бўлинмалари ўзаро узвий алоқадорлигида молиявий рискларни идентификациялаш методларини яхлит тизимли тарзда қўллашлари жараёнида ҳар бир методнинг фойдалилик коэффициенти аниқланган;

суғурта ташкилотининг ижобий имиджини шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш, инвестициявий жозибadorлигини ошириш, шу жумладан унинг хорижий мамлакатлар суғурта бозорлари билан интеграциясини жадаллаштириш юзасидан таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** амалга оширилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик ишончилилик интервалида текширилганлиги, статистик қонуниятларда келтирилган ишончилилик талабларига жавоб бериши, “UZARO” икки томонлама суғурта қилиш матлубот жамияти, “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти, “Бекободцемент” акциядорлик жамиятининг амалий маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлардан суғурта ташкилотларининг молиявий рискларни суғурталашга оид назарий-методологик ва услубий аппаратини шакллантиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялардан молиявий рискларни суғурталашни такомиллаштириш бўйича олинган хулоса ва назарий билимлардан молиявий рисклар ва уларни суғурталаш билан

шуғулланаётган суғурта ташкилотларида, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, хусусан, Тошкент молия институтининг ўқув дастурлари, ўқув-услугий мажмуалар, ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда манба сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Молиявий рискларни суғурталашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

молиявий рискнинг юзага келиш эҳтимолини ўзида мужассам этган баҳолаш алгоритмини қўллаш асосида иқтисодиёт субъектларининг молиявий рискларини суғурталашда даромадларнинг ўртача миқдори молиявий операцияларда мутлақ кўрсаткич сифатида намоён бўлиши таклифи “UZARO” икки томонлама суғурта қилиш матлубот жамияти ҳамда “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботларини тузишда фойдаланилган (“UZARO” икки томонлама суғурта қилиш матлубот жамиятининг 2020 йил 24 августдаги 0012-сон, “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамиятининг 2020 йил 18 сентябрдаги 01/007-сон маълумотномалари). Ушбу таклифни қўллаш натижасида молиявий операциялардан олинган ўртача даромаднинг мутлақ юқори кўрсаткичи 52,4 млрд. сўмни ҳамда 284,1 млрд. сўмни ташкил этишига эришилган;

суғурта ташкилотлари фаолиятида молиявий операцияларда ўртача қийматига нисбатан тебраниш даражасини тавсифлайдиган дисперсияни қўллаш механизми функционалигида молиявий риск индивидуал даражасининг ўртача квадрат (стандарт) четланиши ҳисоблаб чиқилиши асосида хатоликни прогнозлаш таклифи “UZARO” икки томонлама суғурта қилиш матлубот жамияти ҳамда “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботларини тузишда фойдаланилган (“UZARO” икки томонлама суғурта қилиш матлубот жамиятининг 2020 йил 24 августдаги 0012-сон, “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамиятининг 2020 йил 18 сентябрдаги 01/007-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг жорий этилиши молиявий риск даражасининг ўртача квадрат (стандарт) оғиши кўрсаткичи мос равишда 1795,0 млрд. сўмга ҳамда 29,1 млрд сўмга тенглигини аниқлаш имконини берган;

суғурта ташкилотлари фаолиятида молиявий рискларни суғурталаш бўйича ўртача даромад кўрсаткичлари ўзаро фарқланиши бўйича риск даражасини аниқлаш бўйича таклифи “UZARO” икки томонлама суғурта қилиш матлубот жамияти ҳамда “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамиятида бизнес режани шакллантиришда фойдаланилган (“UZARO” икки томонлама суғурта қилиш матлубот жамиятининг 2020 йил 24 августдаги 0012-сон, “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамиятининг 2020 йил 18 сентябрдаги 01/007-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг қўлланилиши натижасида амалга оширилган молиявий операциялардан кутилаётган ўртача даромад кўрсаткичлари фарқланиши, риск даражаси вариация коэффиценти 0,6 га ҳамда 0,5 га тенг эканлигини аниқлаш имконини берган;

молиявий риск турларини аниқлаш методларини яхлит тизимлаштирган ҳолда қўллаш орқали уларни бошқаришнинг кўп босқичли методи бўйича

таклифи “Бекободцемент” акциядорлик жамиятида молиявий фаолиятини ривожлантириш стратегиясини тузишда фойдаланилган (“Бекободцемент” акциядорлик жамиятининг 2020 йил 12 сентябрдаги 032/04-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг қўлланилиши натижасида “Бекободцемент” АЖнинг 2019 йилдаги даромадлилик кўрсаткичи 2018 йилга нисбатан 2,3 даражага ортиб, 34,7 млрд. сўмни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 13 та республика ва 8 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация иши мавзуси бўйича 30 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, жумладан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 129 бетни ташкил этади.




## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқотнинг усуллари ҳамда улар асосида олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижалари амалиётга жорий этилиши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши юзасидан маълумотлар келтирилган.

**Диссертациянинг биринчи боби “Молиявий рисклар ва уларни суғурталашнинг назарий-услубий асослари”** деб номланган бўлиб, унда молиявий рисклар ва уларни суғурталашнинг моҳияти, назарий асослари ҳамда уларни минималлаштириш ва суғурта баҳосини аниқлаш методлари тадқиқ қилинган ва тегишли хулосалар чиқарилган.

Амалга оширилган тадқиқотларда риск кўп қиррали ва ноаниқ ҳодиса эканлиги қайд этилган. Бизнинг назаримизга кўра, “молиявий риск” категориясига берилган турли талқинларга асосланиб, тадқиқотчиларнинг назарий қарашларини қуйидаги 3 (уч) гуруҳ кесимида умумлашган ҳолда туркумлаш мақсадга мувофиқдир (1-расм):

биринчи гуруҳ тадқиқотчилари “молиявий риск”ни - кенг маънода, номаълум воқелик-ҳодиса ҳисобланишини, унинг юз бериши оқибатида фаолиятга ижобий ёки салбий таъсир етказилиши мумкинлигини таъкидлашган<sup>6</sup>;



### 1-расм. Молиявий рискларнинг назарий гуруҳланиши<sup>7</sup>

иккинчи гуруҳ намоёндалари молиявий рискни фаолиятда ютуқли натижага эришиш мақсадида амалга оширилган саъйи-ҳаракат йиғиндиси сифатида қарашган;

учинчи гуруҳ вакиллари молиявий рискни, муқобил вариантлардан айнан бирини танлаш жараёнида ютуққа эришиш ёки хатога йўл қўйиш эҳтимоли сифатида талқин этишган<sup>8</sup>.

Аксарият тадқиқотчиларнинг назарий қарашларида молиявий риск - бу молия воситаларига эгалик<sup>9</sup> билан узвий боғлиқликда актив ва пассивлар

<sup>6</sup>A Guide to the Project Management Body of Knowledge (Project Management Body of Knowledge (Project Management Institute [PMI], 2000).

<sup>7</sup>Тадқиқот натижалари асосида муаллиф ишланмаси.

<sup>8</sup>Асват Дамодаран (Aswath Damodaran) Виды финансовых рисков. М.: Альпина Паблишер, 2010. – 1344с.

<sup>9</sup>Мулк. // <https://enc.for.uz/>

параметрларининг ўзаро мос эмаслиги эҳтимоли пировардида йўқотиш(зарар кўриш)нинг омили бўлиши мумкинлигини таъкидланган<sup>10</sup>.

Молиявий рискнинг мазмунига берилган талқин, унинг юз бериши оқибатида фойда олиш (зарар кўриш), мол-мулкни йўқотиш, жойлаштирилган инвестициядан олинadиган даромаднинг кутилганидан фарқланиши каби кўрилиши эҳтимол бўлган якуний натижаларга асосланади. Бу ҳолат молия соҳасида риск мазмунан кенг талқинда тушунилишини англатади.

Бизнинг назаримизга кўра, молия рисклари: бозор рисклари, ликвидлилик рисклари, фоиз рисклари, кредит рисклари ва валюта рисклари каби турлардан иборатлиги қайд этган тасниф бирмунча илмий асосланган ҳисобланади (2-расм).

Молиявий рискни кенг талқин этишга қаратилган нуқтаи-назарни қатор муаллифлар қўллаб-қувватлашмоқда<sup>11</sup>. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, кейинги вақтларда молиявий рисклар таркибига ходимнинг хатога йўл кўйиши, ахборот ва техник тизимнинг носозлиги, товламачилик ва бошқа жиноятларни ўзида мужассам этган операцион рискларни ҳам киритиш саъй-ҳаракатлари оммалашмоқда.



**2-расм. Молиявий рисклар таснифи<sup>12</sup>**

Келтириб ўтилган рискларни бошқариш муҳимлиги, улар юз бериши оқибатида йўқотишлар сезиларли бўлиши мумкинлигини инкор этмаган ҳолда, уларни молиявий рисклар сифатида талқин этилишини қўллаб-қувватлаб бўлмайди. Бу ҳолат табиатига кўра, уларнинг номолиявий тоифадаги рисклардан фарқланмаслиги билан изоҳланади.

Молиявий рискларни суғурталаш муаммосини ҳал этишнинг дастлабки усулларида бири бу ўз-ўзини суғурталаш ҳисобланади. Унда рискдан кўрилиши эҳтимол бўлган зарар оқибатини молиялаштириш бизнес субъектининг ўз захираси ҳисобидан амалга оширилади. Хусусан, ўзаро суғурталашнинг имкониятлари чекланганлиги, ўз навбатида молиявий рисклар суғуртасини амалга оширишнинг бошқа йўллари, масалан, рискларни маълум тўловлар эвазига суғурталаш амалиёти жорий этилишига омил бўлган.

Молиявий рискларнинг ўзаро боғлиқлигини асослаш учун уларнинг қуйидаги жиҳатларини алоҳида ажратиш кўрсатиш мақсадга мувофиқдир:

<sup>10</sup>Энциклопедия финансового риск-менеджмента. (Под ред. А.А. Лобанова и А.В. Чугунова). М., ALT-Invest, 2009. С. 16

<sup>11</sup>Рискларнинг умумий тавсифи // [www.grandars.ru](http://www.grandars.ru)

<sup>12</sup>Тадқиқот натижалари асосида муаллиф ишланмаси.


хар қандай фаолиятда молиявий рискни бартараф этиш мумкин эмаслиги ўзаро боғлиқ бўлган “риск-даромад” концепциясига асосланади, яъни рискнинг мавжуд эмаслиги риск йўқ-даромад йўқлигини англатади ёхуд фойда олинмаслигига омил бўлади;

молиявий риск эҳтимоликка кўра ўлчанади ва у молия институтлари томонидан амалга ошириладиган активлар трансформацияси жараёнида юзага келади<sup>13</sup>;

рискларни минималлаштиришнинг шакл ва усуллари бир риск тури бошқа риск тури(одатда кредит rischi)га алмаштирилганлигини ёки муносабат субъектлари ўртасида риск диверсификацияси амалга оширилганлигини англатади.

Молиявий риск суғуртасида унинг аниқланган суғурта баҳоси ҳақиқий нарх сифатида муҳим категория ҳисобланади. Суғурта баҳосини аниқлаш методларини тадқиқ этишнинг зарурлиги, айнан рискнинг баҳоси белгилаш жараёнида тўлароқ намоён бўлади.

Молиявий рискнинг суғурта баҳоси, одатда суғурталанувчи тақдим этган тўлов ҳужжатларига, айрим ҳолларда мавжуд маълумотлар базасига, шунингдек мустақил баҳоловчиларнинг ҳисоботларига асосланиб, суғуртачи томонидан аниқланади. Ҳозирда мулкнинг ҳақиқий баҳосини аниқлашнинг қуйидаги методлари самарали қўлланилиши алоҳида аҳамият касб этмоқда (3-расм).



**3-расм. Суғурта баҳосини аниқлаш методлари<sup>14</sup>**

<sup>13</sup>Бундай ёндашув VAR концепциясида кетма-кетликда баён этилган. Қаранг, масалан, Philippe Jorion “Value at Risk”. Mc. Graw-Hill, N.Y., 2002.

<sup>14</sup>Мирзаев Ф.И. Молия бозори операциялари рискларини баҳолаш усуллари (қимматли қоғозлар бозори мисолида): и.ф.н. ... автореферат. -Т.: БМА, 2002, -22 б. ва бошқа илмий манбаларнинг синтети сифатида муаллиф ишланмаси.

Ҳозирги вақтда риск субъектлар фаолиятининг таркибий ажралмас қисми сифатида уни бошқариш молиявий рискни баҳолаш тизимини ва улар билан узвий боғлиқликда воқеа (ҳодиса)лар юз бериши эҳтимолига кўра, келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар бартараф этилишини таъминлайдиган муйян қарорни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ҳамда амалга ошириш методлари, тамойиллари яхлитлигини ўзида акс эттиради.

Шуни таъкидлаш мумкинки, ҳозирда бозор рискларини бошқариш механизми иқтисодиёт субъектларининг пул оқимларини самарали йўналтириш имкониятини юзага келтирган бўлсада, мазкур механизм орқали назорат қилиб бўлмайдиган рисклардан ишончли ҳимояни суғурта амалиёти эгаллаб бораётганлигини эътироф этиш ўринлидир.

**Диссертация ишининг “Ўзбекистонда молиявий рисклар ва уларни суғурталашнинг ташкилий - амалий масалалари”** деб номланган иккинчи бобида молиявий рискларни суғурталашнинг шакл ва усуллари, мазкур риск суғуртасида тариф ставкаларини ҳисоблаш услубиятини такомиллаштириш омиллари, суғурта ташкилотларида молиявий рискларни баҳолашнинг амалий жиҳатлари таҳлил этилган.

Молиявий риск суғуртаси - бу Ўзбекистонда нисбатан янги йўналиш ҳисобланади. Ушбу суғуртада суғурталанувчининг мулкӣ манфаатларига таҳдид соладиган ҳодисалар юз берганда ҳимоя қилиш тартибини ўзида акс эттирган қоидалар ишлаб чиқилади. Уларга мувофиқ, суғурталанувчи ёки унинг вакили суғурта шартномасини имзолаши мазкур суғурталаш қоидасида белгиланган барча шартлар қабул қилинганлигини аниқлатади.

Шу ўринда, ўзига хос таснифига кўра, объектлар кесимида молиявий рискларни суғурталашнинг қуйидаги: кредит rischi суғуртаси, валюта рисклари суғуртаси, инвестиция rischi суғуртаси, тижорат рисклари суғуртаси, суғурталанувчининг тадбиркорлик (хўжалик) фаолияти тўхтаб қолиши ёки унинг томонидан амалга оширилган фаолият кўламидининг қисқариши натижасида юзага келадиган зарарлар, қутилмаган харажатлар суғуртаси, омонат rischi суғуртаси, кафиллик (кафолат) суғуртаси, бошқа молиявий рисклар суғуртаси, ҳуқуқӣ ҳимоя билан боғлиқ харажатлар суғуртаси каби турлари қўлланилади. Молиявий риск дахлдорлигига кўра, ички ва ташқи омилларига мос равишда ҳам фарқланади.

Бу ўринда Ўзбекистон суғурта хизматлари бозорининг умумий суғурта тармоғи бўйича 10 та етакчи суғурта компаниялари кўрсаткичлари таҳлил этилди (1-жадвал).

Мамлакатимизда умумий суғурта тармоғида фаолият юритаётган жами 28 та суғурта компаниясидан 10 таси ёки 35,7 фоизи етакчи компаниялар ҳисобланади. Ушбу компанияларнинг етакчилиги уларнинг ҳисобига, мос равишда, мазкур тармоқда ундирилган жами суғурта мукофотлари салмоғининг 78,9 фоизи; жами тўланган суғурта қопламалари салмоғининг 87,49 фоизи тўғри келиши билан изоҳланади.

## 1-жадвал

### Суғурта хизматлари бозорида айрим суғурта ташкилотларининг кўрсаткичлари млрд. сўм<sup>15</sup>, (2019 йил)

Т/р	Суғурта ташкилотлари номи	Суғурта мукофотлари	Ўзгариши, %	Суғурта қопламалари	Ўзгариши, %
1.	“Ўзбекинвест” АЖ	285,61	168,88	24,18	77,86
2.	“Ўзагросуғурта” АЖ	252,64	141,93	97,65	148,81
3.	“Gross Insurance” АЖ	222,13	144,75	30,98	206,49
4.	“Kafolat sug‘urta kompaniyasi” АЖ	150,66	129,09	33,85	110,66
5.	“Euroasia Insurance” МЧ АЖ СК	129,73	218,34	12,69	457,96
6.	“AlfaInvest” АЖ СК	96,23	116,62	18,22	199,25
7.	“Asia Inshurans” МЧЖ	71,79	126,83	10,23	131,18
8.	“Temiryo‘l-Sug‘urta” АЖ СК	56,30	124,39	6,86	168,81
9.	“My Insurance” АЖ	49,39	238,59	5,68	1 391,46
10.	“Alskom” АЖ	48,50	70,30	8,20	92,86
<b>Суғурта хизматлари бозоридаги улуши</b>		<b>1362,98</b>	<b>78,90</b>	<b>248,54</b>	<b>87,49</b>

Суғурта статистикаси асосида молиявий риск суғуртаси бўйича муайян суғурта компаниясининг бир неча йиллик фаолият натижаларини ўзида акс эттирган, унинг кейинги йилда кўриши эҳтимол бўлган зарари коэффиценти прогнозини ҳисобга олган ҳолда суғурта тарифини аниқлаш услуби таклиф этилди. Мазкур тавсия этилган услубни қуйидаги ҳолатларда:

суғурта ташкилотининг 4-5 йиллик статистик маълумотлар асосида;

зарар кўриш коэффиценти ва вақт қийматларининг геометрик ўрнини аниқлаш ва улар орасидаги корреляцион боғлиқлик чизиқли кечганда қўллаш самарали ҳисобланади.

Суғурта фаолиятининг умумий суммаси ва суғурта қопламаси статистик кўрсаткичлари асосида аниқланган зарар кўриш коэффицентининг вақтга корреляцияси динамикаси тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон суғурта бозори мисолида, аниқ маълумотларга асосланиб, таҳлил этилди (2-жадвал) ҳамда мазкур услубнинг афзаллик ва камчиликлари далилланди.

## 2-жадвал

### Ўзбекистон суғурта бозорида суғурта фаолиятининг умумий суммаси ва суғурта қопламаси статистик кўрсаткичлари асосида аниқланган зарар кўриш коэффицентининг вақтга корреляцияси динамикаси (2016-2019 йй.)<sup>16</sup>

Йиллар	Суғуртанинг умумий суммаси млрд. сум	Суғурта қопламаси	Зарар кўриш коэффиценти, у
2016	692,6	130,5	0,188
2017	927,5	270,0	0,291
2018	1635,2	460,8	0,282
2019	2 313,9	813,5	0,284

<sup>15</sup>Ўзбекистон суғурта хизматлари бозори кўрсаткичлари ҳар бир компаниянинг маълумотлари умумлаштирилиши асосида муаллиф ишланмаси.

<sup>16</sup>2016-2019 йиллар учун Ўзбекистон Республикасининг тегишли суғурта ташкилотларининг ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Тадқиқотда, аввалам бор, келтирилган йилларни белгилаш ёрдамида тартиб рақамига ( $i$ ) ўтказилди (3-жадвал).

### 3-жадвал

**Суғурта фаолиятида зарар кўриш коэффицентининг келтирилган йилларнинг белгилаб олинган тартиб рақамлари (2016-2019 йй.)<sup>17</sup>**

Йиллар	$i$	Зарар кўриш коэффиценти
2016	1	0,188
2017	2	0,291
2018	3	0,282
2019	4	0,284

Сўнгра, суғурта фаолиятида зарар кўриш коэффицентига мос равишда қатнашаётган кўрсаткичларнинг қийматлари аниқланади (4-жадвал).

$$\begin{cases} 4a_0 + 10a_1 = 1,045 \\ 10a_0 + 30a_1 = 2,752 \end{cases} \Rightarrow a_0 = 0,19, \quad a_1 = 0,027 \Rightarrow y_i = 0,027x_i + 0,19.$$

У ҳолда  $y_{2020}^* = 0,326$ .

### 4-жадвал

**Суғурта фаолиятида зарар кўриш коэффицентига мос равишда қатнашаётган кўрсаткичларнинг қийматлари (2016-2019 йй.)<sup>18</sup>**

Йиллар	$i$	Зарар кўриш коэффиценти	Кўрсаткичлар	
			$i \cdot y_i$	$i^2$
2016	1	0,188	0,188	1
2017	2	0,291	0,582	4
2018	3	0,282	0,846	9
2019	4	0,284	1,136	16
$\Sigma$	<b>10</b>	<b>1,045</b>	<b>2,752</b>	<b>30</b>

2020 йил учун тариф ставкасини прогноз қилиш учун зарар кўриш коэффицентининг кузатиш қиймати, мазкур коэффицентининг текисланган қиймати, четланиш ва четланиш квадрати аниқлаш талаб этилади (5-жадвал).

### 5-жадвал

**Суғурта фаолиятида зарар кўриш коэффицентининг кузатиш қиймати, мазкур коэффицентининг текисланган қиймати, четланиш ва четланиш квадрати (2016-2019 йй.)<sup>19</sup>**

Йиллар	$i$	Зарар кўриш коэффицентининг кузатиш қиймати $y_i$	Зарар кўриш коэффицентининг текисланган қиймати $y_i^*$	Четланиш $(y_i - y_i^*)$	Четланиш квадрати $(y_i - y_i^*)^2$
2016	1	0,188	0,217	-0,029	0,0008
2017	2	0,291	0,244	0,047	0,0022
2018	3	0,282	0,271	0,011	0,0001
2019	4	0,284	0,298	-0,014	0,0002

<sup>17</sup>2016-2019 йиллар учун Ўзбекистон Республикасининг тегишли суғурта ташкилотларининг ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

<sup>18</sup> Яна ўша маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси.

<sup>19</sup> Яна ўша маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси.

2020 йил учун тариф ставкасини прогноз қилиш учун қуйидаги зарурий ҳисоблар амалга оширилади:

$$\begin{aligned}\sigma &= \sqrt{\frac{\sum (y_i - y_i')^2}{n-1}} = \sqrt{\frac{0,0008 + 0,0022 + 0,0001 + 0,0002}{3}} = \\ &= \sqrt{\frac{0,0033}{3}} = \sqrt{0,0011} = 0,033.\end{aligned}$$

2020 йил учун тариф ставкасини прогноз қилиш учун амалга оширилган зарурий ҳисоблар асосида  $T_n = y_{2020} + \beta(0,95;4)\sigma$  формула ёрдамида нетто-ставкани аниқлаймиз, бу ерда,  $\beta(0,95;4) = 4,380$ ,  $\gamma = 0,95$ , биринчи тур хатоликнинг қиймати бўлиб, прогнознинг ишончилиги 95%ни ташкил этишини англатади.

$$T_n = 0,326 + 4,380 \cdot 0,033 = 0,47.$$

Брутто-ставка  $T_B = \frac{100T_n}{100-f}$  формула ёрдамида аниқланади.

Бу ерда  $f$  - умумий тариф ставкасидаги юкнинг салмоғи.

$$\text{Масалан, } f = 30 \Rightarrow T_B = \frac{100 \cdot 0,47}{70} = 0,67.$$

Шу ўринда, суғурта тарифи нафақат статистик (ҳодисалар эҳтимолини ҳисобга олган ҳолдаги) маълумотларга, балки суғуртачининг рентабеллигини ҳисобга олган ҳолда асосланиши мақсадга мувофиқдир. Суғурта тарифи формулалардаги барча қийматлар бухгалтерия маълумотлари, статистик маълумотлар, тузилган операциялар тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа кутилаётган омилларни ҳисобга олган ҳолда прогнозлар асосида аниқланади.

Рискни ҳисоблашнинг асосий кўрсаткичлари қуйидаги даражаларни ўз ичига олади:

а) Молиявий риск даражаси умумий баҳолаш алгоритми билан тавсифланади, у қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$РД = РЭ \times РЙ(З) \quad (1),$$

бу ерда РД - тегишли молиявий риск даражаси;

РЭ - берилган молиявий рискни юзага келиш эҳтимоли;

РЙ(З) - рискни амалга оширишда мумкин бўлган молиявий йўқотишлар миқдори.


Ушбу алгоритмни қўллаш амалиётида мумкин бўлган молиявий йўқотишлар ҳажми одатда мутлақ сумма шаклида ифодаланади ва молиявий рискнинг юзага келиш эҳтимоли шу эҳтимолни ўлчаш (вариация коэффиценти, бета-коэффицент ва бошқа) коэффицентларидан биридир. Ушбу алгоритм бўйича ҳисоблаб чиқилган молиявий риск даражаси мутлақ кўрсаткич сифатида намоён бўлади, бу эса муқобил вариантларни кўриб чиқишда таққослаш учун асосни сезиларли даражада камайтиради.

2014-2018 йилларда Ўзбекистондаги баъзи суғурта ташкилотлари учун тегишли молиявий риск даражасини баҳолаш (4-расм) шуни кўрсатадики, суғурта ташкилотларида, масалан, “O‘zbekinvest Hayot” СК МЧЖда йиллар бўйича мос равишда 0,568 / 0,667 / 0,565 / 0,592 / 0,673; “Ўзагросуғурта” АЖда 2014 йилдан ташқари мос равишда 0,226 / 0,206 / 0,694 / 0,369 юқори кўрсаткичлар кузатилган.

Даромадларнинг умумий ўртача миқдорини ҳисоблаш, яъни субъектларнинг ( $R = X - Y$ ) молиявий операцияларидан ўртача даромадни ҳисоблаш қуйидаги формулага мувофиқ амалга оширилади:


$$\bar{R} = \frac{1}{n} \sum_i R_i \quad (2),$$

бу ерда,  $n$  – кузатишлар сони.



**4-расм. 2014-2018 йилларда Ўзбекистондаги баъзи суғурта ташкилотлари учун тегишли молиявий риск даражаси<sup>20</sup>**

Ушбу алгоритм ёрдамида ҳисобланганда молиявий операциялардан олинган ўртача даромад даражаси мутлақ кўрсаткич сифатида намоён бўлади, бу эса муқобил вариантларни кўриб чиқишда таққослаш учун асосни сезиларли даражада камайтиради (5-расм).



**5-расм. 2014-2018 йилларда Ўзбекистондаги баъзи суғурта ташкилотлари молиявий операциялардан олган ўртача даромадлари ( $R=X-Y$ ), млрд сўмда<sup>21</sup>**

<sup>20</sup>2014-2018 йиллар учун Ўзбекистон Республикасининг тегишли суғурта ташкилотларининг ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.



Молиявий операциялардан олинган ўртача даромаднинг мутлақ юқори кўрсаткичи “O‘zagrosug‘urta” АЖда -84,1 млрд., “Gross Insurance” МЧЖда - 52,4 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, аксинча, ўртача даромадларнинг энг паст мутлақ кўрсаткичи – “O‘zbekinvest Hayot” СК МЧЖда – 17,8 млрд. ва “Xalq Sug‘urta” СК МЧЖда – 12,3 млрд. сўмни ташкил этган.

б) Дисперсия ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача қийматига нисбатан тебраниш даражасини тавсифлайди. Дисперсияни ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$\sigma^2 = \sum_{i=1}^n (R_i - \bar{R})^2 \cdot P_i \quad (3),$$

бу ерда  $\sigma^2$  – дисперсия;


$R$  – кўриб чиқилаётган молиявий операция учун кутилаётган даромад вариантларининг аниқ қиймати;

$\bar{R}$  – кўриб чиқилаётган молиявий операция бўйича даромаднинг кутилаётган ўртача қиймати;

$P_i$  – молиявий операциядан кутилаётган даромаднинг алоҳида вариантларини олиш мумкин бўлган частотаси (эҳтимоли);

$n$  – кузатишлар сони.

2014-2018 йилларда Ўзбекистондаги айрим суғурта ташкилотлари учун риск даражаси кўрсаткичининг ўртача қийматига нисбатан тебраниш даражаси ( $\sigma^2$ ) бўйича дисперсияни ҳисоблаш (6-расм) шуни кўсатадики, энг юқори мутлақ кўрсаткичлар “Ўзагросуғурта” АЖда - 1795; “Gross Insurance” МЧЖда - 939,4 ва “O‘zbekinvest Hayot” СК МЧЖ да -337,4 млрд. сўм даражасида эканлигини кўрсатди, аксинча, “Xalq Sug‘urta” СК МЧЖда 29,1 млрд. сўмни ташкил этган.



**6-расм. 2014-2018 йилларда Ўзбекистондаги айрим суғурта ташкилотларида риск даражаси унинг ўртача қийматига нисбатан тебраниши дисперсияси кўрсаткичлари, млрд. сўмда<sup>22</sup>**

<sup>21</sup> Яна ўша маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси.

<sup>22</sup> 2014-2018 йиллар бўйича Ўзбекистон Республикасидаги тегишли суғурта ташкилотларининг ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

в) Ўртача квадрат (стандарт) оғиш тебраниш даражасини белгилайдиган ва унинг асосида қурилган дисперсия каби индивидуал молиявий риск даражасини баҳолашда энг кенг тарқалган ҳисоблаш кўрсаткичларидан бири саналади. У қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\sigma = \sqrt{\sum_{i=1}^n (R_i - \bar{R})^2 \cdot P_i} \quad (4),$$

бу ерда  $\sigma^2$  – дисперсия;


$R$  – кўриб чиқилаётган молиявий операция учун кутилаётган даромад вариантларининг аниқ қиймати;

$\bar{R}$  – кўриб чиқилаётган молиявий операция бўйича даромаднинг кутилаётган ўртача қиймати;

$P_i$  – молиявий операциядан кутилаётган даромаднинг алоҳида вариантларини олиш мумкин бўлган частотаси (эҳтимоли);

$n$  – қузатишлар сони.

Индивидуал молиявий риск даражасининг ўртача квадрат (стандарт) оғишини ҳисоблаш (7-расм) энг юқори кўрсаткичларга “Ўзагросуғурта” АЖ (42,4) ва “Gross Insurance” МЧЖ (30), аксинча, энг паст мутлақ кўрсаткичларга “O‘zbekinvest Hayot” СК МЧЖ (18,4) ва “Xalq Sug‘urta” СК МЧЖ (29,1 млрд сўм) эга эканлигини кўрсатди.



**7-расм. 2014-2018 йилларда Ўзбекистондаги айрим суғурта ташкилотлари учун индивидуал молиявий риск даражасининг ўртача квадрат (стандарт) оғиши кўрсаткичлари, млрд сўмда<sup>23</sup>**

г) Вариация коэффиценти, агар молиявий операциялардан кутилаётган ўртача даромад кўрсаткичлари фарқ қилса, риск даражасини аниқлашга имкон беради. Вариация коэффиценти қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$CV = \frac{\sigma}{\bar{R}} \quad (5);$$

бу ерда,  $CV$  – вариация коэффиценти;


$\sigma$  – ўртача квадрат (стандарт) оғиш;

$\bar{R}$  – кўриб чиқилаётган молиявий операция бўйича даромаднинг кутилаётган ўртача қиймати.

<sup>23</sup>2014-2018 йиллар бўйича Ўзбекистон Республикасидаги тегишли суғурта ташкилотларининг ҳисобот маълумотлари асосида асосида муаллиф ишланмаси.

Таҳлил қилинаётган Ўзбекистон суғурта ташкилотларининг молиявий операцияларидан кутилаётган ўртача даромад кўрсаткичлари бир-биридан фарқ қилади, шунинг учун вариация коэффиценти риск даражасини аниқлашга имкон беради (8-расм). Молиявий риск даражасини баҳолашнинг эксперт методлари агар компанияда иқтисодий - статистик метод асосида ҳисоблашни амалга ошириши учун зарур маълумотлар базаси мавжуд бўлмаган ҳолларда қўлланилади. Шунингдек, бу ўринда молиявий риск даражасини баҳолашнинг ўхшаш методлари ҳам муайян ташкилотнинг энг катта молиявий операциялари учун риск даражасини аниқлаш имконини беради.

Молиявий рисклар таъсирини баҳолаш учун ташкилотнинг молиявий ҳисоботни таҳлил қилиш, тўлов қобилияти коэффиценти ҳисоблаш, молиявий барқарорлик, рентабеллик ва ишбилармонлик фаоллигини аниқлаш талаб этилди. Молиявий рискларни яхлит тизимли тарзда сон ва сифат жиҳатидан баҳолаш, бу жараёнда мавжуд методларни мувофиқлашган ҳолда қўллаш орқали уларни бошқариш самараси ортади.




**8-расм. Ўзбекистондаги айрим суғурта ташкилотлари бўйича риск даражасининг вариация коэффиценти, 2014-2018 йиллар<sup>24</sup>**

Таҳлил шуни кўрсатадики, юқори вариация коэффиценти ХК “O‘zbekinvest Hayot” да аниқланган - 1,0. Аксинча, “Gross Insurance” МЧЖ - 0,6, “Ўзагросуғурта” АК (АЖ) - 0,5 ва “Xalq Sug‘urta” ХК МЧЖ - 0,4 вариация коэффицентининг энг паст кўрсаткичларига эга.

Диссертация ишининг “Молиявий рискларни суғурталашни такомиллаштириш йўллари” деб номланган учинчи бобида иқтисодиёт субъектларининг мазкур рискларни бошқариш тизимининг самарадорлигини ошириш омиллари ҳамда уларни суғурталашнинг иқтисодий барқарорликни таъминлашдаги ролини ошириш масалалари тадқиқ этилган. Иқтисодиёт субъектининг молиявий рискларини бошқариш тизимини шакллантириш “молиявий рискларни аниқлаш - молиявий рискларни баҳолаш - молиявий рискнинг лимит чегарасини белгилаш - молиявий рискларга таъсир

<sup>24</sup>2014-2018 йиллар учун Ўзбекистон Республикасининг тегишли суғурта ташкилотларининг ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш - вазият мониторингига асосланиб, рискларни бошқариш” каби вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган бўлиши мақсадга мувофиқдир (9-расм).



9-расм. Молиявий рискларни бошқариш тизимини шакллантириш<sup>25</sup>

Иқтисодиёт субъектининг молиявий рисклари турларини аниқлаш методларини яхлит тизимлаштирган ҳолда қўллаш мазкур бошқариш тизими шаклланишида ҳар бир методнинг фойдалилик коэффициенти ҳамда даражасини аниқлаштириш имконини беради (6-жадвал).

